

Ҳожи Абдулҳамид Абдулаҳад

# Зумр ваъвоғуш

Шеърлар



*Ҳоҷи Абдулҳамид Абдулаҳад*

---

# **УМР ҚАРВОНИ**

*(Шеърлар)*

**«VneshInvest Prom» нашриёти  
Тошкент – 2018**

**УДК 373.3.016**

**74.102**

**А 29**

**Ҳожи Абдулҳамид Абдулаҳад**

Умр қарвони [Текст] / Ҳожи Абдулҳамид Абдулаҳад. – Тошкент:  
VneshInvest Prom, 2018. – 80 бет; [16] варақ қўйилган расм.

**КБК 74.102**

Ушбу мўъжазгина китобчада ҳаваскор шоир Ҳожи Абдулҳамид Абдулаҳад турфа олам гўзалликларини ўз тасаввуридан ўтказиб кенг китобхон эътиборига ҳавола этмоқда.

Бу ерда келтирилган фалсафий мушоҳадалар кўпчилик эътиборини тортади деган умиддамиз.

**ISBN 978-9943-4881-1-0**

© «VneshInvest Prom» нашриёти, 2018.

© Ҳожи Абдулҳамид Абдулаҳад, 2018.

## Муаллиф ҳақида

*Абдулҳамид ҳожи Абдулаҳадов 1946 йилда таваллуд топган. Олий тоифали шифокор-жарроҳ. Ёшлигиданоқ адабиёт ва санъат билан қизиққан. Талабалик йилларида унинг бир талай рисола ва шеърлари газета ва журналларда босилиб чиққан. Ҳаваскор хонанда сифатида бир неча қўшиқ ва ашулалари миллий радио комитетида ёзилган. Бир неча хорижий тилларда равон сўзлашади. Хизмат сафарлари билан кўпгина чет мамлакатларда бўлган. Икки марта ҳаж сафарига мушарраф бўлган. Бўш вақтларида турли мавзуларда шеърлар машқ қилиб юради. Мана шулардан Сиз азиз мухлислар эътиборига ҳавола қилинмоқда.*

**Табиб тахаллуси билан  
Ҳожи Абдулҳамид шеърлари**

*Тўғри инсонни Худо тоабад хор қилмагай  
Аммо нопок бўлса ул ким қадамда зор йиғлагай.*

*Дилда бўлса Оллоҳ зикри қўл ҳалол меҳнатла банд  
Хотирин жам қилиб ҳар ким эзгуликни ўйлагай.*

*Меъёр бериб ҳар амалга, ўзи – қози ул Тангрим  
Меъёрдан ошса ким, афвдан умидвор бўлмагай.*

*Баъзилар келди-ю кетди, Фонийга лаҳза жисм бўлиб  
Лек Исм қолмиш ўзгадан боқий мутлоқ ўлмагай.*

*Ўтди ҳар не алломалар, ибратомуз умр ила,  
Шояд, авлодлар таъзим-ла руҳларин шод айлагай.*

*Кимки, олдидаги борнинг қадрин назарга илмас,  
Билсин, олисдаги йўқнинг ҳеч вақосин билмагай.*

*Бас, шукр қил бориға, насибанг шул, эй Табиб,  
Қаноатсиз кимсаларнинг кўнгли мудом тўлмагай.*

*13 сентябрь 1996 йил.  
Дубай шаҳри.*

\* \* \*

Эликка чиққанда қўлимда қалам  
Ёзмишдир ўтмиш, келажак тархин.

Дилда ўкинч бирла яширин алам  
Совурдим билмайин ёшликнинг нархин.

Ёшликда жисмоний қувват зиёда  
Беаёв сарфланар ҳуда – беҳуда.

Кексайиб, ақлдан бўлгач нишона  
Самара кўрмоққа кеч бўлар жуда.

Ёшликнинг қувватин жиловлаш учун  
Ақл даркор экан, билгил эрта-кеч.

Аммо ёшлик ақлга муҳтож бўлган-чун  
Кексаликнинг траддудин қилмас экан, ҳеч.

Дунё гўзал яралмиш, унда кўп неъмат  
Қани, барча баробар бўлиб ололса...

Шунинг-чун халқда бор ажиб бир ҳикмат –  
«Қанийди ёш билса-ю, кекса – қилолса!»

21 сентябрь 1996 йил.  
Дубай шаҳри БАА.

## Умр карвони

---


\* \* \*

*Элда бор ажиб ибора: «эшаги сувдан ўтгунча»,  
Баъзилар бошини қашир – то маъносига етгунча.*

*Бунда кўп сир-синоат йўқ, у – эшак бўлиб яралган,  
«Суюкли» маҳлуқ тарзида бутун дунёга таралган.*

*Кўринишидан беозордир, кучи ҳалол, зўр меҳнаткаш,  
Аммо сувнинг фарқин билмас, бироз бефаросат пасткаш.*

*Шу боис, эшакни ниқтаб, ҳайдарлар кучи етгунча,  
Бир кор қилиб қўямасин деб, то сувдан ўтиб кетгунча.*




*Баъзилар бор эшаксифат, мулойим, жафокаш мунча  
Нима буюрсанг бажарар, эшаги сувдан ўтгунча.*

*Ҳатто, йўқни бор қилади, беҳисоб сарф қилар қанча  
Ўзни қурбон, хор билади, эшаги сувдан ўтгунча.*

*Аммо, сувдан ўтиб олгач, такаббур бўлиб олади,  
Қилган барча найранглари ошкора бўлиб қолади.*

*Шунинг-чун эй қадрдонлар, ишлатманг найранг заррача,  
Халқ кулиб демасин «ана – эшаги сувдан ўтгунча».*

\* \* \*







Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi  
<https://kitobxon.com/oz/asar/3882> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/3882> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно  
найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/3882>